

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил июль ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди Шайхонтохур тумани “Илғор” МФЙ биносида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Рахимов, судья ёрдамчиси Ж.Эргашбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шайхонтохур туман прокурори ўринбосари М.Шукуруллаева, судланувчи Ф.Жўрабеков ва унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси - “LEGAL CONSULTANT FBJ” адвокатлик бюроси адвокати Ф.Жалилова, жабрланувчи Ш.Касимовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланувчи:

XXX - 08.07.1997 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 1 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Дўрмон” МФЙ, Баҳор кўчаси 2-уйда яшовчи, иш бўйича “муносиб ҳуқуқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, айблов ҳулосаси нусхасини 26.06.2024 йилда олганга

нисбатан 1-1003-2403/425-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, суд куйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ф.Жўрабеков 2023 йил 07 март куни Яшнобод тумани, Машинасозлар маҳалласида, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, фуқаро Ш.Касимовдан “Iphone 14 pro 128gb”, “Iphone 14 pro max 256gb” русумли телефон аппаратлари ҳамда “Iwalch 8/41 starlight” русумли қўл соатини жами 4800 АҚШ доллари (*Марказий банк маълумотига кўра, 2023 йилнинг 07 март куни 1 АҚШ доллар сотувда 11.348,03 сўмга тенг бўлиб, 4 800 АҚШ доллари 54 470 544 сўмни ташкил қилган*) миқдоридаги пулга келишиб олиб, ушбу буюмларни қўлга киритганидан сўнг номаълум шахсларга сотиб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб, фирибгарлик содир этган.

Судда судланувчи Ф.Жўрабеков айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2023 йил март ойларида таниши Мўмин акасидан Шайхонтохур тумани Малика савдо мажмуасида таниши бор йўқлигини, телефон аппарати кераклигини маълум қилганида, у унга унинг таниши борлигини айтиб, унга Ш.Касимовнинг телефон рақамини берганлигини, у Ш.Касимовнинг қўл телефон рақамига қўнғироқ қилиб, ундан янги “Iphone 14 pro 128gb” ва “Iphone 14 pro max 256gb” русумли телефон аппаратлари ҳамда “Iwalch 8/41 starlight” русумли қўл соатини 6 ой муддатга бўлиб бўлиб тўлаш шарти олиши



мумкинлигини иложиси бўлса бошланғич тўловларсиз қилиб бера олишлигини сўраганида у унинг таклифимга рози эканлигини билдириб, унга “Iphone 14 pro 128gb” телефон аппаратини 1900 АҚШ доллари, “Iphone 14 pro max 256gb” русумли телефон аппаратини 2.200 АҚШ доллари ва “Iwalch 8/41 starlight” русумли қўл соатини 700 АҚШ доллари бўлишини маълум қилганлигини, у унинг таклифига рози эканлигимни билдирганидан сўнг у 2023 йил 07 март куни у билан қўнғироқлашиб, ушбу телефон аппаратларини Яшнобод тумани Боткина майдонига олиб келиб беришини айтганлигини, у шу куни кечки вақтларда ушбу телефон аппаратларини олиб келиб бераётган вақтида бир дона телефон аппаратини ҳужжатларини олиб қолишини қолганларини ҳужжатларини бериб юборишини маълум қилиб ҳамда унга жами ҳамма товарлар учун ойлик тўлови 800 АҚШ доллардан 6 ой муддат ичида беришини маълум қилганлигини, у унинг таклифига рози эканлигини билдириб, унга шу куни 1000 АҚШ доллар миқдорида пулларни бериб юборганлигини, кейинги ойлик тўловига пул топа олмай, унга кейинги ойда 3 ойлик тўловларни тўлаб юборишига ишонтирганлигини, у уни таклифига рози бўлганлигини, 2023 йил май ойи ўрталарида тўйи бўлаётганлиги ушбу тўй маросимига пули етмаётганлиги сабабли Шайхонтохур тумани Малика савдо мажмуасига бориб, у ерда унга номаълум бўлган шахсга телефон аппаратлари ўзига тегишли эканлигини айтиб, унга 600 АҚШ доллар эвазига “Iphone 14 pro 128gb” русумли телефон аппаратини ва 180 АҚШ доллар эвазига “Iwalch 8/41 starlight” русумли қўл соатини сотиб, ушбу шахсга фуқаролик паспортини нусхасини бериб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, Ш.Касимов билан июнь ойларида кўришган вақтида унга ҳамма пулларни тез кунда қилиб беришини айтганида у ундан видео ёзувга ёзиб олишини маълум қилганида у унга рози бўлиб ўз хоҳишига кўра унга видео ёзувга телефон аппаратларини олганлигини ва 2-3 ой ичида пулларини қилиб беришини маълум қилганлигини, 2023 йил июнь ойи ўрталарида у унга қўнғироқ қилган вақтида у унга ишсиз қолиб кетганлигини, унга “Iphone 14 pro 128gb” русумли телефон аппаратини ва “Iwalch 8/41 starlight” русумли қўл соатини сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини тушунтириб берганлигини, унга яъни 500 АҚШ доллар миқдорида пул маблағларини бериб юборганлигини, бу ишларга таниши Мўмин акасининг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, ҳозирда етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, содир қилган жиноятдан пушаймонлигини маълум қилиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ф.Жўрабеков тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг айби қуйидаги далиллар, яъни:

судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ш.Касимовнинг 2020 йилдан буён Шайхонтохур тумани Тахтапул маҳалласида жойлашган Малика савдо мажмуасидаги Б-32 сонли савдо дўконида телефон аппаратларини олди-сотди ишлари билан ишлаб келаётганлигини, 2023 йил март ойларида таниши Мўмин акаси телефон рақамига қўнғироқ қилиб, бир танишига телефон кераклигини маълум қилганлигини, у унинг таклифига рози эканлигини айтганидан сўнг 2023 йил 07 март куни унга номаълум бўлган кейинчалик унга



маълум бўлишича Ф.Жўрабеков кўнғироқ қилиб, унга “Iphone 14 pro 128gb” ва “Iphone 14 pro max 256gb” русумли телефон аппаратини “Iwalch 8/41 starlight” русумли қўл соатини 6 ой муддатга бўлиб бўлиб тўлашга кераклигини маълум қилганлигини, у унга ушбу 3 дона аппаратларни жами 6 ой учун ҳеч қандай бошланғич тўловларсиз жами 4800 АҚШ доллар миқдорида пул маблағлари бўлишини ҳар ойда 800 АҚШ доллар миқдорида пулларни беришини маълум қилганида у унинг таклифига рози эканлигини айтиб, ушбу телефон аппаратларини кечки вақтда Яшнобод тумани Боткина майдонига олиб келиб беришини маълум қилганлигини, у унга бир дона телефон аппаратини ҳужжатларини олиб қолишини маълум қилганида у уни таклифига рози бўлганлигини, у унга “Iphone 14 pro 128gb” телефон аппаратини 1900 АҚШ доллари, “Iphone 14 pro max 256gb” русумли телефон аппаратини 2.200 АҚШ доллари ва “Iwalch 8/41 starlight” русумли қўл соатини 700 АҚШ доллари бўлишини маълум қилганлигини, Ф.Жўрабеков уни таклифига рози эканлигини билдирганлигини, шу куни кечки вақтларда Ф.Жўрабеков билан Яшнобод тумани Боткина майдонида кўришиб унга ушбу телефон аппаратларини бериб юборганлигини, 2024 йил апрель ойида у унга бир ойлик тўловини яъни 1000 АҚШ доллар миқдорида пулларни берганлигини, шундан буён у унга турли хил баҳоналар қилиб, пулларни бермаганлиги бўйича у билан кўришиб, гаплашиб олганида у унга кейинги ой июль ойларида 3 ойлик пулларни биттада ёпиб беришини маълум қилганлигини, у унга видео ёзувга ёзиб олишини айтганида у рози эканлигини билдирганидан сўнг, унинг гапларини видео ёзувга ёзиб олганлигини, ҳозирда унга етказилган моддий зарар судланувчи томонидан тўлиқ бартараф этилганлигини ва судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилиб, берган кўрсатувлари;

Шайхонтоҳур туман ИИО ФМБ 3-сонли ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан тўпланган бирламчи ҳужжатлар, нарсани кўздан кечириш баённомаси, фотожадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳамда бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Суд, судланувчининг жиноий ҳаракатлари квалификациясига баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунидаги **“Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 17-сонли қарори 3-бандида *“Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёнки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради”* деб кўрсатилган.

Юқоридаги далиллар ва Пленум қарори тушунтиришларини инобатга олиб, суд судланувчи Ф.Жўрабековнинг жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 2-қисми “а” банди - *“фирибгарлик, анча миқдорда содир этилган бўлса”* жиноят белгилари билан билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.



Суд, судланувчи Ф.Жўрабековга жазо тайинлашда унинг етказилган моддий зарарни бартараф қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра энгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Суд, Ф.Жўрабековнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқламади.

Шунингдек, суд судланувчи Ф.Жўрабековга жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчининг жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф этилганлигини, шунингдек ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмига асосан етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги нормани инобатга олиб, унинг ҳаракатлари учун ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Ш.Касимовга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини ва унинг судланувчига нисбатан даъвоси йуклигини инобатга олишни лозим топади.

Шунингдек, суд ашёвий далил деб эътироф этилган смс ёзишмаларни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган “Айфон 14 Про Мах” русумли уяли алоқа воситасини жабрланувчи Ш.Касимовга тилхат асосида қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 472, 473, 474, 475-моддаларига мувофиқ, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

XXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”банди билан айбдор деб топилсин.

XXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда **2 (икки)** йил муддатга муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросининг назорати Ф.Жўрабековнинг яшаш жойи бўйича туман ИИО ФМБ пробадия хизмати зиммасига юклатилиб, жазо умумий асосларда шу турдаги жазоларни ижросини таъминловчи бўлими томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум ишга жойлашган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ф.Жўрабековга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Ф.Жўрабеков томонидан жабрланувчи Ш.Касимовга етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф этилганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий ашёвий далил деб эътироф этилган:

- смс ёзишмаларни жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.



- “Айфон 14 Про Мах” русумли уяли алоқа воситаси жабрланувчи Ш.Касимовга тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм устидан апелляция шикоят ва протестлари ҳукм (ажрим) эълон қилинган кундан эътиборан 10 сутка ичида, маҳкум (оқланган шахс) ва жабрланувчи томонидан эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Қонуний кучга кирган суд ҳукми (ажрими) устидан ушбу суд орқали юқори турувчи судга кассация тартибида шикоят берилиши мумкин.

Агар шикоятда ёки протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги ҳақидаги, жазони кучайтириш тўғрисидаги ёхуд маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгаришлар ҳақидаги қонунни қўллаш тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёхуд ажримини кассация тартибида қайта кўришга, шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини кассация тартибида қайта кўришга фақат улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил ичида йўл қўйилади.

**Раислик қилувчи судья:**

**Б.И.Рахимов**

